

(ишониш унча шарт бўлмаган хангома)

Жаҳон харитасига ўзгартиш киритишининг кандай йўллари бор, биласизми? Ха, тўгри, бир махаллар бунинг учун урушлар килинган, конлар тўкилган. Лекин хозир ундан замон эмас. Харитага ўзгартиш киритувчи боланинг отаси бакувват бўлса бас. Тушуниб тургандирсиз, «бакувват» деганда биз чўнтакни назарда тутяпмиз. Бу жихатдан Бўтакулга гап йўқ. Ўглининг аклига эса тан бермасдан илож йўқ. Энди озгина ўтмишга назар солайлик. Бўтакулнинг пул санаши үрганиши учун мактабда ўн йил ўқитишининг сира хам хожати йўқ эди. Шундай бўлса хам зўрлаб ўқитдилар. «Одамлар гап-сўз килишмасин», дейишди-да. Ундан ташкари у замонлар одамлар мактабда ўқимаган болага киз бермай кўйишган эди. У замонлар «тест» деган даҳмазалар йўқ эди. Имтихон оловчига биргина ишора кифоя. Бўтакул ўша ишорадан кейин имтихон оловчи билан юзма-юз ўтирган эди. Унга кўйиладиган баҳо аввалдан маълум бўлса-да, имтихон оловчи ирими учун унга савол берди: «Ньютон конуни хакида нималар биласиз?» деди. Бўтакулга Ньютон деган одамнинг номи сал таниш туюлди-ю, аммо кариндошлари ичида бу одам ким бўлиши мумкинлигини эслолмади. Шунда имтихон оловчи унга туртки бўлар, деган умидда «Олма-чи, олмани эсланг» деди. Бўтакул шунда эслади. «Россияга олма сотиш конунини чикарган масковлик хўжайин», деб жавоб берди. Имтихон оловчи «физика фанига Россияга олма олиб бориб сотишнинг нима даҳли бор?» деб ўтиrmай, ўзича «бу болага колса Ўзбекистонда узилган олма Россияга бориб Ньютоннинг бошига тушгандир», деб кўя колди. Икkinchi саволни осонрок килди. «Беруний киму Беллини ким?» деб сўради. Бўтакул «Беруний - шарқ алломаси, Беллини Европа композитори» деса олам гулистон эди. Аммо бола тушмагур ўйлаб ўтиrmай, «булар иккovi амакивачча» деб кўя колди. Имтихон оловчи ичида «пешонамнинг шўри!» деб кўйди, савол берган тилини чайнаб ташламокчи эди, хали учинчи савол хам борлигини эслаб, бундан ўзини тийди-да: «карра жадвални ёдлаб беринг», деб илтимос килди. Бўтакул «уч карра тўккиз ўттиз саккиз» дегунича чидаб ўтириди-да, ваъда килинган баҳони кўйиб енгил нафас олди ва кутилганига шукур килди. Тагин хам Бўтакул гапдон бола эди, саволларга довдирамади. Бошкаларга ўхшаб оғзини очолмай турганида у шўринг кургур имтихон оловчи нима киларди! Бўтакул шу тарзда ўкишга кириб, яна худди шу тарзда ўкиб, олий маълумот олди.

Ўгли Тойлок мактабни битириб, уни хам олий маълумотли килиш фикрига тушди. Тест дегани сал осонроқдир деса, чўнтакни зириллатиб юборар экан. Нима килсин, фарзанд азиз, ўкиши ундан азиз, деди-ю харажатларига чидади.

Тойлок хам гапдонгина бола эди. Аммо бу имтихонларда гапдонликнинг сирайм хожати йўқ. Тойлокка кийин саволлар тушмади. Биринчиси: «Франциянинг пойтахтини аникланг. Жавоблар: Москва, Пекин, Париж.» Тойлок «биринчи жавоб хамиша тўгри бўлади», деб эшитган эди. Шу жавобни танлади ва Москва ўн минг доллар эвазига Франциянинг пойтахтига айланди. Наполеон дод деганича колаверди. Ишнинг шунака осон хал бўлишини билганида ахмок бўлиб уруш килиб юрармиди! Икkinchi савол «Уганда кайси китъада жойлашган: Европа, Африка, Осиё.» Тойлокнинг марҳамати билан Уганда Африкани тарқ этиб, шу зайлда Европага кўчди. Яхшики бирор унинг кўлига ёзувсиз

(яъни контур) харита бериб, Угандани шу Европага жойла, демайди. Дегандами, Франциями ё Германиями харитадан учиб кетган бўлармиди. Тойлок Хинди斯顿нинг пойтахтини Америка деб белгилагач, Африкани Крим ярим оролига жойлаштириди-да, имтихонлардан аъло баҳолар билан ўтди. Бу билимлар эвазига тўғридан тўғри диплом диплом талаб этилса хам бўларди-ку, аммо камтарлик юзасидан ўкишни лозим кўрилди. Бу ўтган йилги воеа. Бир йил давомида Тойлок ўкишда катта ютукларга эришди. Хатто тарихий шахслар таржимаи холига аникликлар киритди. Унинг олиб борган илмий изланишлари натижасида Колумб 1917 йилда Бухорода тугилгани ва Самаркандин кашф этгани маълум бўлди. Жаҳон харитасини тўла ўзгартиришга эса улгурмади. Хозирча Австралия, Швеция, Албания ўз жойида турибди. Хали яна тўрт йиллик ўкиш бор, хафсала килинса, йўқ, аникроги чўнтак кўтарса магистратура деган ўкиш хам бор. Унгача харита кўрадиганини кўрар, балки унгача Англиянинг пойтахти Бразилия деган мавзуда диссертация хам тайёр бўлиб колар. Айрим мамлакатларни эса Марс харитасидан излаб топармиз. Ўн минг доллар хисобига шунча ўзгаришлар килинса яхши-ку, дейсизми? Шошилманг, ўн минг биринчи имтихон учун, яъни хамир учидан патир эди. Кейингиларини биз билмаймиз.

Азизлар, кўрганингиздек, Жаҳон харитасига ўзгатиришлар киритиш унча кийин иш бўлмай колган. Агар сизнинг кўнглингизда хам шундай истак бўлса, ийманиб четда турманг. Чўнтакни каппайтиринг-у отни суринг. Кани, олга!